



**СИГИРЛАР КУЙГА КЕЛИШИ ВА ОРГАНИЗМДА МОДДАЛАР
АЛМАШИНУВИГА ТУХУМДОНЛАРДА БЎЛАДИГАН ПЕРСИСТЕНТ
САРИҚ ТАНАНИНГ ТАЪСИРИ**

Қўлдошев О. У.

Ветеринария фанлари доктори,

катта илмий ходим

Суванов С.А

. тайанч докторант.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

АННАТАЦИЯ. В данной статье изложены результаты научных исследований и изучении степени распространения персистентного желтого тела яичников, влияние этой патологии на оплодотворяемость и обмен веществ у коров в сравнении с клинически здоровыми животными. Количество коров животноводческой хозяйствах с персистентными желтыми телами яичников составило 7,0-10,0% от общего количества исследованных животных. Сравнительная оценка обмена веществ у клинически здоровых и больных показала, что течение данной патологии сопровождается значительным увеличением сроков восстановления стадии возбуждения полового цикла, нарушением кислотно-щелочного равновесия, кальцево-фосфорного обмена,, снижением содержания каротина, витамина А, Е, а также снижением содержания эритроцитов на 14,8% и гемоглобина на 6,1%.

Annotation. This article presents the results of scientific research and study of the extent of the spread of the persistent corpus luteum of the impact of this pathology on digestibility and metabolism in cows in comparison with clinically healthy animals. The number of cows on livestock farms with persistent corpus luteum of the ovaries was 7,0 – 10,0 % of the total number of animals. A comparative assessment of metabolism in clinically healthy and sick patients showed that the course of this pathology is accompanied by a significant increase restoration of the stage of arousal of the sexual cycle by disruption of the acid-base balance. Calcium



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

phosphorus metabolism in the content of vitamin A and E, as well as a decrease of erythrocytes by 14,8 % and hemoglobin by 6,1 %.

Калим сўзлар: тухумдонлар, тухумдонлар персистент сариқ танаси, гинекология, бачадон, фолликула, сариқ тана инволюцияси, моддалар алмашинуви, гормонлар, витаминлар, каротин, фосфор, гемоглобин, глюкоза. Республикамиз аҳолисини сифатли, оқсилга бой ҳайвонот дунёси маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум ва бошқалар) билан таъминлаш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Чорвачиликни бозор иқтисодига ўтиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни турли хил шаклдаги хусусий қархоналарда олиб бориш ўз навбатида ветеринария мутахассисларини иш жараёнларини ва ветеринария хизматини тубдан ўзгариши қарамасдан ҳайвонларнинг бепуштлиги, акушер-гинекологик касалликларни даволаш ва олдини олишда завоначий ҳамда илмий-асосланган ёндошувлар бўлишига қарамасдан ҳар бир бош сигирдан битта бузоқ олишга эришилгани йўқ (1,2,3,5).

Илмий адабиётлар маълумотлари ҳамда ўзимизнинг хусусий тадқиқотларимиз шуни кўрсатадиган юқори маҳсулдор сигирлар орасида бепушт бўлиб қолишнинг асосий омилларидан бири бу тухумдонларда бўладиган патологик жараёнлар бўлиб, булар анафродизия, тухумдонлар аритмияси ҳамда жинсий циклни тўлиқ бўлмаслиги билан намаён бўлади (3,4,5). Персистент сариқ тана деб, бўғоз бўлмаган сигирлар тухумдонларида бўладиган сариқ тана бўлиб, улар 25-30 кун давомида фаолият кўрсатувчи ва ушланиб турилади (5,7,8). Персистент сариқ тана мунтазам ҳосил бўлиб турувчи сариқ тана бўлиб, у кўпинча сурункали жинсий органларнинг яллиғланишида ва кўп марта куйга келиб уруғлантирилмаган вақтларда (ҳайвонлар қочиришга қўйилмаганда) ҳосил бўлиб туради. Буни диагностик аниқлашда сигир ва таналар доимий назоратда бўлиб, 2 марта ҳар 2-3 ҳафтада ректал ёки УТТ аппарати ёрдамида текширилиб аниқланади. Бўғозлик сариқ танаси туғиш жараёнини ва туққандан кейинги даврни қандай кечишидан қатъий назар ҳайвон туққандан кейинги кунлари инволюцияга учрайди ва персистент сариқ танасига айланиши кузатилмайди (3,5,7).



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Персистент сариқ тана морфологик тузилиши жихатидан катта лютеинли хужайралардан тузилган бўлиб, думолоқ шаклда, тиниқ ўзаксимон пуфакдан иборат бўлади. Уларнинг орасида майда хужайралар бўлиб улар катта қорамтир ўзакдан иборат бўлади. Бу сариқ тана 37 кундан зиёд ушланиб турса сариқ тананинг капсуласи ва бириктирувчи тўқимадан иборат бўлган қавати қалинлашади ҳамда ўртасида бириктирувчи тўқимани ўсиши кузатилади (7,8,10).

Тухумдонда ушланиб қолган сариқ таналар, фаолият кўрсатувчи сариқ таналардан яъни жинсий цикл сариқ танасидан фарқлаш жуда қийин. Улар жуда яхши шакл ва кўринишда бўлганлиги сабабли, катта лютеинли хужайралар ҳамда базофилли цитоплазмадан ва думолоқ шаклдаги ўзакдан иборат бўлади. Баъзи пайтларда тузилиши жихатидан сариқ танада катта лютеоцитлар камайиши ўз навбатида сариқ таналар шаклини ўзгаришига сабаб бўлади. Қон томирларнинг ўтказувчанлигини сусайиши натижасида толали хужайраларнинг сонини кўпайиши кузатилади (4,7).

Сигирлар туққанидан кейин 5-10 кунларда бўғозлик сариқ танаси инволюцияга учраса, 20 чи кунга бориб сариқ тананинг ўрнини бриктирувчи тўқима эгаллайди. Кейинчалик тухумдонларда етилган фолликулалар пайдо бўла бошлайди. Шунга ўхшаш персистент сариқ тана жинсий циклда пайдо бўлади. Ҳайвонлар репродуктив фаолиятини бошқарилишида тухумдонларда пайдо бўладиган сариқ таналарнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Яхши биламизки, бўғозлик ва жинсий цикл персистен сариқ танаси, сариқ тананинг инволюцияланиш тезлиги ҳамда тухумдонларни фаол қайта тикланиши организмда бачадон ва моддалар алмашинувида муҳим аҳамият касб этади. Юқори махсулдор сигирлар организмда кечадиган моддалар алмашинувини билиш бу тухумдонлар персистент сариқ танасига диагноз қўйишда катта аҳамиятга эга (3,7,8).

Тадқиқотнинг мақсади – юқори махсулдор сигирлар тухумдонларида ҳамда жинсий фаолиятида бўладиган ўзгаришига ва организмда кечадиган моддалар алмашинувида персистен сариқ тананинг (ПСТ) таъсирини ўрганиш.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Тадқиқот объекти, материали ва услублари. Тадқиқотлар 2022-2024 йиллар давомида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Бобур чорваси” фермер хўжалигида Голштин зотли, 3-6 ёшли, тирик вазни 450-500 кг ва ундан юқори бўлган, сут маҳсулдорлиги бир йилда 4,5-5,0 минг кг бўлган сигирларда олиб борилди. Фермадаги сигирлар ёзда яйратиш майдонларида бошвоқсиз, кишда оғилда боғланган ҳолда сақланади.

Сигирлар туққанидан кейинги 30-45 кунларида организмида кечадиган моддалар алмашинувини баҳолаш учун 10 бошдан иккита гуруҳ сигирлар ажратилди: назорат учун туғиш жараёни меъёردа кечган соғлом 10 бош сигирлар ва тажрибада 10 бош тухумдонлар персистен сариқ танаси билан касалланган сигирлар олинди.

Сигирлар тухумдонлар персистен сариқ танаси касаллигига диагноз умумлаштирилган ҳолда яъни, охириги туққан вақти (кун), жинсий органларнинг асл ҳолига (инволюцияси) қайтиш даври, жинсий кўзғалиш вақтини бошланган куни ва уни кечиш ҳолатига ҳамда икки марда 14 кун оралиғида вагинал ва ректал текшириш натижаларига асосланиб қўйилди. Ректал текширишлар натижасида бачадонни жойлашиши ва ҳажми, бўш ёки қаттиқлиги, тухумдонларни ўлчами ва консистенцияси ҳамда ундаги сариқ таналар сони аниқланади.

Хусусий тадқиқотлар натижалари. Бобур чорваси фермер хўжалигида сигирлар туққандан кейинги гинекологик касалликларни тарқалиш динамикаси 1 чи жадвалда келтирилган. Жадвал №1.

Хўжаликда ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадиган фермадаги сигирлар орасида тухумдонлар касалликлари фойизи йиллар давомида камаймай умумий подадаги сигирларнинг 17,7-22,3% кузатилган бўлса, шундан тухумдонлар персистен сариқ танаси билан касалланиш 8,3-11,7% сигирларда кузатилди.



“Бобур чорваси” Фермер хўжалигида сигирларда туққандан кейинги гинекологик касалликларни тарқалиши.

Кўрсаткичлар	2022 й		2023 й		2024 й	
	Бош	%	Бош	%	Бош	%
Фермадаги сигирлар бош сони	100	100	80	100	90	100
Акушер-гинекологик касалликлар билан касалланган сигирлар бош сони	31	31,0	28	35,0	29	32,2
Барча тухумдонлари касал сигирлар бош сони:	14	14,0	13	16,2	16	17,7
Шундан,- персисент сариқ тана билан касалланганлар	7	7,0	8	10,0	9	10,0
- Тухумдонлар кистаси	3	3,0	2	2,5	3	3,3
- Тухумдонлар гипофункцияси	4	4,0	3	3,75	4	4,4

Хўжаликда сигирлар туққанидан сўнг 60 кун ва ундан кўп кунларда жинсий фаолиятида қўзғалишлар кузатилмади, 50-60% сигирларда тухумдонлар персисент сариқ тана касаллиги билан касалланиш кузатилди. Бундан ташқари хўжаликдаги сигирларни биринчи ва иккинчи туғишларидан сўнг тухумдонлар гипофункцияси кўп учраган бўлса, учунчи-тўртинчи туғишларда эса тухумдонлар персисент сариқ танаси касаллиги кўп учраши кузатилди. Тухумдонлардаги сариқ таналарнинг ҳажми тарик донасидан то ўрмон ёнғоғи донасидай бўлиб битта тухумдонларда бир нечта бўлиб уларни маълум бир чегараси йўқлиги билан ажралиб туради. Кўпгина ҳолатларда аниқроғи 20% ҳолатда персисент сариқ тана тухумдонлар кистаси билан бирга келиши кузатилди.

Фермадаги туққандан кейинги тухумдонлар персисент сариқ танаси билан касалланган сигирларни куйга келиб оталаниш даврини (сервис) тахлили 2 чи жадвалда келтирилган. Тухумдонлар персисент сариқ танаси билан касалланган сигирлар туққанидан то куйга келиб оталангунига қадар 151,0-4,5 - 160,40-6,7 кунни ташкил қилди. Бу сигирларда туққанидан кейин жинсий органларини ўз ҳолига қайтиши ва жинсий циклни қўзғалиши жуда узоқ



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

вақтни ташкил қилганлиги тажрибаларда аниқланди. Тажрибада бўлган сигирларнинг асосий қисми туққанидан 91-160 чи кунлар оралиғида куйга келиб оталаниш кузатилди. Персисент сариқ танаси билан касалланган сигирларнинг (76,9-81,2%) да жинсий органларининг қўзғалиш даври туққандан кейин 91-чи кундан бошлаганлиги аниқланди. Касал бўлган сигирларнинг 10-15% бепушт бўлиб қолди, яъни 2022 йил 14,3%, 2023 йил 7,7%, 2024 йил 6,3%.

Фермер хўжалигида туққандан кейинги персисент сариқ танаси билан касалланган сигирларни куйга келиб оталаниш муддати.

Кўрсаткичлар	2022 й		2023 й		2024 й	
	Бош	%	Бош	%	Бош	%
Сигирлар бош сони	14	100	13	100	16	100
Куйга келиб оталантирилган сигирлар бош сони	12	85,7	12	92,3	15	93,7
45-60 кун оралиғида куйга келган сигирлар бош сони	-	-	-	-	-	-
61-90 кун оралиғида куйга келган сигирлар бош сони	3	21,4	2	15,3	2	12,5
91 кундан ўтиб куйга келган сигирлар бош сони	9	64,2	10	76,9	13	81,2
Туққандан то куйга келиб оталангангача бўлган кунлар	151,0-4,5			160,40-6,7		157,4-10,3

Сигирлар тухумдонлари патологиясида 85,7-93,7 фойиз сигирлар куйга келиб оталантирилган бўлса, ушбу сигирларнинг 64,2-81,2 фойизи туққанидан кейин 91 кун ўтгандан ва ундан узоқ кунларда куйга келиб оталанди. Йил давомида сигирлар туққанидан то куйга келиб оталангунча бўлган давр ўртача 156,8-7,3 кунни ташкил қилган бўлса, сигирларни бепушт бўлиб юрган давр узоқлиги 135,7-7,3 кунни ташкил этди.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Чорвачилик фермер хўжаликларида персисент сариқ тана билан касалланган сигирларнинг қонини морфобиокимёвий текшириш натижалари 3 чи жадвалда келтирилган. Текширишлардан маълум бўлдики, персисент сариқ тана билан касалланган сигирларнинг қонинидаги эритроцитлар миқдори 15,9% га, гемоглобин миқдори 5,5% га соғлом сигирларникига нисбатан кам эканлиги аниқланди. Қон зардобидидаги кальций-фосфорга нисбати иккала гуруҳдаги сигирлар бузилган бўлиб, бунга сабаб қон зардобидида неорганик фосфор миқдорининг кўплиги бўлиб, бир-бирига бўлган миқдор 1,7 : 1,0 бўлганлиги кузатилди.

Тажрибадаги ва назоратда бўлган сигирлар туққанидан кейинги даврида қон зардобидидаги захира ишқор миқдори бир-биридан фарқи бўлиб: персисент сариқ тана билан касалланган сигирлар зардобидидаги захира ишқор миқдори 43,24-1,10 бўлган бўлса, назоратда бўлган сигирлар зардобидида эса 50,16-3,91о6% бўлиши CO_2 ($P<0,05$) кузатилди. Барча текширилган ҳайвонларда гипогликемия кузатилди. Персисент сариқ танаси билан касалланган ҳайвонларда гипогликемия яққол намаён бўлиб, фарқ 42,7% ташкил қилди.

3 чи жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, клиник соғлом сигирлар қон зардобидидаги каротин миқдори физиологик меъёрга нисбатан пастки поғоналарда бўлиб, 0,43-0,12 мг% ташкил этди. Тухумдонларида персисент сариқ танаси бўлган ҳайвонлар қон зардобидида каротин миқдори, жинсий фаолияти меъёрда кечаётган сигирларникига нисбатан 51,2% кам бўлиши кузатилди ($P<0,05$).

Персисент сариқ танаси билан касалланган сигирлар қонининг морфобиокимёвий текшириш натижалари. (n=10)

Кўрсаткичлар	ГРУППА	
	Назорат	Тажриба
Эритроцитлар. $10^2/\text{л}$	5,97-1,36	5,13-1,14
Гемоглобин. г/л	94,11-7,10	88,9-43,30
Умумий кальций миқдори. ммоль/л	2,32-2,46	2,46-1,12
Неорганик фосфор миқдори. ммоль/л	1,75-0,63	2,05-0,80



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Кальций : Фосфорга нисбати	1,7 : 1,0	1,7 : 1,0
Захира ишқор миқдори. об.% CO ₂	50,16-3,91	43,24-1,10
Глюкоза миқдори. ммоль/л	3,91-1,09	2,24-0,03
Каротин миқдори. мг/%	0,43-0,12	0,21-0,07
Витамин А миқдори. мкг %	76,19-6,70	73,14-5,10
Витамин Е миқдори. мг %	0,90-0,15	0,73-0,16

Витамин А нинг миқдори тухумдонлар персисент сариқ танаси билан касалланган сигирлар қон зардобидида 72,15-5,12 мкг% бўлган бўлса, клиник соғлом ҳайвонлар қон зардобидида эса 75,19-6,70 мкг% ташкил қилди ($P<0,05$). Қон зардобидидаги витамин Е нинг миқдори тажрибада бўлган гуруҳдаги сигирларда 0,72-0,15 мг% бўлган бўлса, назорат гуруҳидаги сигирлар қон зардобидида 0,89-0,14 мг% ($P<0,01$) бўлиб, фарқи 19,2% ташкил қилди. Персисент сариқ тана билан касалланган сигирлар қон зардобидидаги витаминлар А ва Е миқдори, клиник соғлом сигирлар қон зардобидидаги витаминларга нисбатан миқдори паст бўлиши кузатилди.

Сигирларда тухумдонларида персисент сариқ танани пайдо бўлишига бизнинг фикримизча ҳайвонлар қон зардобидидаги каротинни, витаминлар А ва Е миқдорларининг кам бўлиши бу патологик жараёни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири деб биламиз.

Хулоса:

Тухумдонларида бўладиган персисент сариқ тана касаллиги натижасида сигирларда тукқандан кейин жинсий органларнинг меъёрий ҳолатига қайтиши ва куйга келиб, қўзғалиш жараёни (сервис даврини) узоқ давом этиши кузатилади. Сигирларни тукқандан кейин куйга келиб оталаниш даври (сервис даври) 151,0-4,5: 160,40-6,7 кунни ташкил қилди.

Персисент сариқ тана билан касалланган ва соғлом сигирлар организмида кечадиган моддалар алмашинуви таққослаб ўрганишда маълум бўлдики, касаллик давомида сигирлар организмида кальций-фосфорга бўлган нисбатини бузилиши, каротин, ва витаминлар А, Е миқдорини меъёрган



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

нисбатан паст бўлиши, қондаги эритроцит миқдори 14,8% ва гемоглобин миқдори 6,1% кам бўлиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Багманов М.А. Профилактика и лечение акушерско-гинекологических заболеваний каров: учебное пособие. Саратов, 2002. 185 с.
2. Григ Э.Н. Опыт лечения каров при бесплодии // Ветеринария. 2003, № 10. 39 с.
3. Григорьева Т.Е. Болезни матки и яичников у каров Чебоксары ЧГСХА, 2012. 170 с.
4. Григорьева Т.Е., Кондручина С.Г., Трифанова Л.А. Результаты применения электропунктуры для профилактики болезней матки у каров после рода: Мат. Между.научно-практ. Конф., посвященной 85-летию со дня рождения профессора Г.А.Черемисинова. Воронеж. 18-19 октября 2012. С. 162-166.
5. Кулдашев О.У., Суванов С.А. Симментал зотига мансуб сигирларда жинсий органлар функцияларини стимуллаш ва синхиронлаш. INDIA INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE THE THEORY OF RECENT RESEARCH IN THE FIELD PF PEDAGOGY. ISOC. INDIA, NEW DELHI. 21.05.2024. 150-153 b.
6. Кулдашев О.У., Хамраев Ш.О. Сигирларда бачадон ва тухумдонлар фаолиятини рағбатлантиришда препаратлар самараси. Is recognition of the paper publication entitled. Vol. 3 No. 5 (2024) AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI (2181-3450) IMPACT FACTOR 7,6. May 2024 y.
7. Суванов С.А., Кулдашев О.У., Sigirlarda persistent sarig tana kasalligini davolashda fertadin preraratining samarasi. Scientific journal GOLDEN BRAIN. Vol. 1. No 1. 2023. 99-103 бет.
8. Кулдашев О.У., Ҳ.С.Ўринов., Ш.О.Хамраев, С.А.Сувонов. Р.Бобомурадов. Biologik preparatlarning sigirlar jinsiy faoliyatini ragbatlantirishda ahamiyati. Ўзбекистон Республикаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги. ВваЧРҚ, СамДВМЧ БУ. “Ветеринария жаррохлиги ва акушерлиги”



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

кафедраси. В.Ф.Д. проф. Н.Ш.Давлатовнинг 75 йиллигига бағишланган “Замонавий хирургиянинг долзарб муаммолари ва истиқболдаги вазифалари” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференцияси. Тошкент 15-июн 2024 йил. 200-205 бетлар.

9. Кулдашев О.У., Ҳ.С.Ўринов. Голштин зотли сигирлар репродуктив фаолиятини рағбатлантириш усуллари тақомиллаштириш. Pedagogics is awarded by the editorial board of the international electronic journal. 19.03.2023. 40-43 бет.

10. Қўлдоше О.У. Мавланов С.И. Хўжамов Ж.Н. Чорвачилик фермер хўжаликларида қорамоллар қисир қолишининг олдини олиш. Журнал. Зооветеринария. 2015 й.

11. Кулдашев О.У., Муртазин Б.Ф. Саложиддинова Н.С. Қорамоллар акушер-гинекологик касалликларини даволаш ва олдини олиш. Сам ҚХИ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инновацион технологияларининг роли. Проф-ўқитув. Илмий амалий конф. 1 қисм. 2012 й.